

**IJTIMOIY FANLAR**  
ilmiy, ijtimoiy va tarixiy jurnal

---

**СОЦИАЛЬНЫЕ НАУКИ**

научный, общественный и исторический журнал

---

**SOCIAL SCIENCES**

scientific, social and historical journal



	<b>IJTIMOIY FANLAR СОЦИАЛЬНЫЕ НАУКИ SOCIAL SCIENCES</b>																																						
<b>Ilmiy, ijtimoiy va tarixiy jurnal 2022 yilda tashkil qilingan</b>	<b>2022/2(02)-SON</b>																																						
<p><b>Muassis: Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti</b></p> <p>Manzil: 180100, Qarshi shahri, Mustaqillik shoh ko‘chasi, 225. Telefon: 0375 221 09 23 (94) 521 00 41 Sayt: <a href="http://qmii.uz">http://qmii.uz</a> E-mail: <a href="mailto:ijtimoiy@qmii.uz">ijtimoiy@qmii.uz</a></p> <p>Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2021 yil 1 noyabrda ro‘yxatga olingan va 1456-raqamli guvohnoma berilgan.</p> <p>Nashr indeksi - 4074 ISSN 2181-2845 2-sonli nashr.</p> <p>Terishga topshirilgan sana 20.04.2022 y.</p> <p>Nashrga ruxsat berilgan sana 26.04.2022 y.</p> <p>Chop etilgan sana 26.04.2022 y.</p> <p>Bichimi 60x84 1/8.</p> <p>Times garniturasi.</p> <p>Shartli bosma tabog‘i 6,26. Nashr bosma tabog‘i 6,25. Adadi 100. Buyurtma №7</p> <p>QarMII “INTELLEKT” nashriyoti MIUda chop etildi.</p> <p>Qarshi shahri, Mustaqillik shoh ko‘chasi, 225.</p>	<p><b>MUNDARIJA / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT TARIX / ИСТОРИЯ / STORY</b></p> <table> <tbody> <tr> <td>Адыгамов Р., Накшбандийские наставники татарских богословов конца XVIII–XIXвв в Средней Азии.....</td> <td>9</td> </tr> <tr> <td>Rajabov Q., Ibrohimbek qo‘rboshining 15 nafar safdoshi faoliyati ....</td> <td>15</td> </tr> <tr> <td>Bo‘riyev O., Ochilova X. Abulg‘oziy Bahodirxon va uning “Shajarayi turk” asari muhim tarixiy-etnografik manba sifatida</td> <td>32</td> </tr> <tr> <td>Boboev F., Bo‘stonliq va Suzoq qo‘zgolonlari.....</td> <td>37</td> </tr> <tr> <td>Ochilov A., Quyi Zarafshon vohasining tosh davri tarixiy rekonstruksiya masalalari.....</td> <td>42</td> </tr> </tbody> </table> <p><b>FALSAFA / ФИЛОСОФИЯ / PHILOSOPHY</b></p> <table> <tbody> <tr> <td>Samatov Sh. Aziziddin Nasafiy ma‘naviyatida komil inson g‘oyasi.....</td> <td>46</td> </tr> <tr> <td>Jo‘rayev L., Yoshlar iqtisodiy xulq-atvorida transformatsiya.....</td> <td>51</td> </tr> <tr> <td>Qurbanov T., Ma‘naviyat - milliy mentalitet dialektikasi.....</td> <td>55</td> </tr> <tr> <td>Samatov X., Mahdumi A‘zam Kosoniyning davlatni boshqarish va xalq bilan muloqot qilishga oid ijtimoiy-siyosiy qarashlari .....</td> <td>59</td> </tr> <tr> <td>Bekmurodova G., Ijtimoiy destruksianing namoyon bo‘lish xususiyatlari.....</td> <td>68</td> </tr> <tr> <td>Rustamov R., XXI asrda geopolitik raqobatning keskinlashishi va targ‘ibot xarakteridagi tub o‘zgarishlar.....</td> <td>71</td> </tr> <tr> <td>Tog‘ayev N. Tinchlik va xavfsizlikni ta‘minlash - ijtimoiy taraqqiyot garovi sifatida.....</td> <td>78</td> </tr> <tr> <td>Azizqulov A., Alimov A. Husayn voiz Koshifiyning axloqiy qarashlarida ratsionallik xususiyatlari.....</td> <td>82</td> </tr> </tbody> </table> <p><b>FILOLOGIYA / FILOLOGIYA / PHILOLOGY</b></p> <table> <tbody> <tr> <td>Rahmatova Z., Bolalar lug‘ati so‘zligini shakllantirish va leksikografik semantizatsiyalash muammolari.....</td> <td>85</td> </tr> <tr> <td>Radjabova Z., O‘quv lug‘atlarida olamning frazeologik tasviri.....</td> <td>90</td> </tr> <tr> <td>Raxmanova Yu., Shadmanova N., Rus tili mashg‘ulotlarda kasbga yo‘naltirilgan matnlardan foydalanish.....</td> <td>94</td> </tr> </tbody> </table> <p><b>PEDAGOGIKA / PEDAGOGIKA / PEDAGOGY</b></p> <table> <tbody> <tr> <td>Alikulov C., Alikulova D. Некоторые проблемы профессионального обучения незанятых слоев населения.....</td> <td>96</td> </tr> <tr> <td>Sharafutdinova X. Oilada manipulyativ munosabatlar.....</td> <td>100</td> </tr> <tr> <td>Jabborov A. O‘zbek oilalarida yosh kelin-kuyov psixologik qiyofasini ifodalovchi xulq-atvorning empirik ko‘rsatkichlari.....</td> <td>104</td> </tr> </tbody> </table>	Адыгамов Р., Накшбандийские наставники татарских богословов конца XVIII–XIXвв в Средней Азии.....	9	Rajabov Q., Ibrohimbek qo‘rboshining 15 nafar safdoshi faoliyati ....	15	Bo‘riyev O., Ochilova X. Abulg‘oziy Bahodirxon va uning “Shajarayi turk” asari muhim tarixiy-etnografik manba sifatida	32	Boboev F., Bo‘stonliq va Suzoq qo‘zgolonlari.....	37	Ochilov A., Quyi Zarafshon vohasining tosh davri tarixiy rekonstruksiya masalalari.....	42	Samatov Sh. Aziziddin Nasafiy ma‘naviyatida komil inson g‘oyasi.....	46	Jo‘rayev L., Yoshlar iqtisodiy xulq-atvorida transformatsiya.....	51	Qurbanov T., Ma‘naviyat - milliy mentalitet dialektikasi.....	55	Samatov X., Mahdumi A‘zam Kosoniyning davlatni boshqarish va xalq bilan muloqot qilishga oid ijtimoiy-siyosiy qarashlari .....	59	Bekmurodova G., Ijtimoiy destruksianing namoyon bo‘lish xususiyatlari.....	68	Rustamov R., XXI asrda geopolitik raqobatning keskinlashishi va targ‘ibot xarakteridagi tub o‘zgarishlar.....	71	Tog‘ayev N. Tinchlik va xavfsizlikni ta‘minlash - ijtimoiy taraqqiyot garovi sifatida.....	78	Azizqulov A., Alimov A. Husayn voiz Koshifiyning axloqiy qarashlarida ratsionallik xususiyatlari.....	82	Rahmatova Z., Bolalar lug‘ati so‘zligini shakllantirish va leksikografik semantizatsiyalash muammolari.....	85	Radjabova Z., O‘quv lug‘atlarida olamning frazeologik tasviri.....	90	Raxmanova Yu., Shadmanova N., Rus tili mashg‘ulotlarda kasbga yo‘naltirilgan matnlardan foydalanish.....	94	Alikulov C., Alikulova D. Некоторые проблемы профессионального обучения незанятых слоев населения.....	96	Sharafutdinova X. Oilada manipulyativ munosabatlar.....	100	Jabborov A. O‘zbek oilalarida yosh kelin-kuyov psixologik qiyofasini ifodalovchi xulq-atvorning empirik ko‘rsatkichlari.....	104
Адыгамов Р., Накшбандийские наставники татарских богословов конца XVIII–XIXвв в Средней Азии.....	9																																						
Rajabov Q., Ibrohimbek qo‘rboshining 15 nafar safdoshi faoliyati ....	15																																						
Bo‘riyev O., Ochilova X. Abulg‘oziy Bahodirxon va uning “Shajarayi turk” asari muhim tarixiy-etnografik manba sifatida	32																																						
Boboev F., Bo‘stonliq va Suzoq qo‘zgolonlari.....	37																																						
Ochilov A., Quyi Zarafshon vohasining tosh davri tarixiy rekonstruksiya masalalari.....	42																																						
Samatov Sh. Aziziddin Nasafiy ma‘naviyatida komil inson g‘oyasi.....	46																																						
Jo‘rayev L., Yoshlar iqtisodiy xulq-atvorida transformatsiya.....	51																																						
Qurbanov T., Ma‘naviyat - milliy mentalitet dialektikasi.....	55																																						
Samatov X., Mahdumi A‘zam Kosoniyning davlatni boshqarish va xalq bilan muloqot qilishga oid ijtimoiy-siyosiy qarashlari .....	59																																						
Bekmurodova G., Ijtimoiy destruksianing namoyon bo‘lish xususiyatlari.....	68																																						
Rustamov R., XXI asrda geopolitik raqobatning keskinlashishi va targ‘ibot xarakteridagi tub o‘zgarishlar.....	71																																						
Tog‘ayev N. Tinchlik va xavfsizlikni ta‘minlash - ijtimoiy taraqqiyot garovi sifatida.....	78																																						
Azizqulov A., Alimov A. Husayn voiz Koshifiyning axloqiy qarashlarida ratsionallik xususiyatlari.....	82																																						
Rahmatova Z., Bolalar lug‘ati so‘zligini shakllantirish va leksikografik semantizatsiyalash muammolari.....	85																																						
Radjabova Z., O‘quv lug‘atlarida olamning frazeologik tasviri.....	90																																						
Raxmanova Yu., Shadmanova N., Rus tili mashg‘ulotlarda kasbga yo‘naltirilgan matnlardan foydalanish.....	94																																						
Alikulov C., Alikulova D. Некоторые проблемы профессионального обучения незанятых слоев населения.....	96																																						
Sharafutdinova X. Oilada manipulyativ munosabatlar.....	100																																						
Jabborov A. O‘zbek oilalarida yosh kelin-kuyov psixologik qiyofasini ifodalovchi xulq-atvorning empirik ko‘rsatkichlari.....	104																																						



# ҚҮЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИННИГ ТОШ ДАВРИ ТАРИХИЙ РЕКОНСТРУКЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

*Очилов Алишер Тўлис ўғли,  
Бухоро давлат университети таянч докторанти*

**Аннотация:** Уибу мақолада қўйи Зарафшон воҳасида тош даври тарихий реконструкцияси масалалари, тош даврига доир археологик тадқиқотларнинг илмий таҳтилий натижалари, Ўзбекистонда ва хорижда нашр этилган илмий адабиётлар, даврий нашрлардаги мақолаларда келтирилган илмий даталар орқали таҳтил қилинган.

**Калит сўзлар:** қўйи Зарафшон, археологик тадқиқотлар, тош даври, Моҳондарё, Дарвозакир.

**Аннотация:** В данной статье анализируются вопросы исторической реконструкции каменного века в нижне-Зарафшанском оазисе, результаты научного анализа археологических исследований каменного века, научной литературы, изданной в Узбекистане и за рубежом, научных свидетельств в периодических изданиях.

**Ключевые слова:** нижний Зарафшан, археологические исследования, каменный век, Мохандаръя, Дарвозакир.

**Abstract:** This article analyzes the issues of historical reconstruction of the Stone Age in the Lower Zarafshan oasis, the results of scientific analysis of archeological research on the Stone Age, scientific literature published in Uzbekistan and abroad, scientific evidence in periodicals.

**Key words:** Zarafshan, archeological researches, Stone Age, Mokhandarya, Darvozaqir.

Кишилик тарихида тош давридан бошлаб инсоният ҳаётида иқтисодий ва маданий ривожланишлар бўлган. Қадимги тош даври ахолиси, асосан, тоғ ён бағирлари, сой жарликларнинг ёқалари ва сув ҳавзаларида истиқомат қилишган. Бунинг сабаби эса бундай жойларда табиат ҳайвонот дунёсига бой бўлиб ов қилиш учун жуда қулай бўлган. Бухоро воҳаси, айниқса, воҳанинг шарқий қисмлари тош даврларидан бошлаб ибтидоий овчиларнинг диққат марказида бўлди.

Тош даврида истоқомат қилган инсонлар меҳнат қуроллари тайёрлашда техникавий қашфиётлар қилганлиги Навоий вилоятининг марказидан 22-25 км шимоли-шарқда, Қоратов тоғ тизмасининг Воуш тоғи жанубий ёнбағрида жойлашган Учтут, Ижонд қишлоқларида ибтидоий одамларнинг меҳнат қуроллар ясаш устохонаси ва чақмоқтош қазиб олиш конларнинг топилишидан билиш мумкин[1]. Вауш тоғларининг жанубий ён бағридаги қоянинг юқори қисмида 10-15 см қалинликда узоқ масофага чўзилган чақмоқтош қатлами бўлиб, у ибтидоий аждодларимизни ўзига жалб қилган[2]. Учтут қишлоғи яқинидан топилган бу устахона палеолитнинг ўрта ва сўнгги босқичи, мезолит, неолит даврларига мансуб бўлиб, узоқ даврлар мобайнида қуролсоз усталарнинг бирламчи қурол ясаш макони бўлиб хизмат қилган. Учтутликлар янги тош даврида меҳнат қуроллари ясаш учун хом ашё қидириб шахталар қазиганлар. Бу жараён нафақат Ўзбекистон худудида балки, Ўрта Осиёда кўзга ташланадиган биринчи жараён ҳисобланади.

Учтут ва Ижонд ёдгорликлар мажмуасини чақмоқтош хом ашёсини топиш услугига асосланиб, уч хил объектларга бўлинган. Улардан иккитаси хомашёни қазиб олиш билан боғлиқ конлар, биттаси меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш устахонаси бўлган.

Учтут шахталари асосан неолит даврига тегишли бўлиб, уларнинг 100 дан ортиқ излари Учтут қишлоғи яқинида Воуш қояларида жойлашган.

Т. Мирсаатовнинг таҳминига қараганда шахта тубидан олинган хом ашёдан дарҳол қуроллар ясалмаса тошлар қуёшга чиққач унинг нами қочиб қаттиқлашади ва меҳнат қуроллари ясаш мураккаблашади[3].

Агар масалага кенгрок, тарихий таҳлил нуқтаи назаридан қаралса, биз неолит даврида юз берган яна бир ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришларни англаш етган





бўламиз, яъни тоғ саноатида ихтисослашган меҳнат таксимотига дуч келамиз. Хом ашё қазиб олиш касби-корига айланган шахтёрлар ўз харидорларига сифатли маҳсулот этишириш мақсадида маълум миқдор хом ашё захираларини сақлаган.

Зарафшон водийсининг Навоий вилояти Кармана туманининг Учтут ва Ижонд қишлоқлари яқинида олиб борилган археологик қидирав ишлари давомида янги соҳа-тоғ саноати билан боғлиқ хом ашё ишлаб чиқариш манзилгоҳлари очилди. Улар Воуш тоғининг палеоген ётқизиқлари устида қадимги тош(палеолит) даврида ташкил топиб, мезолит даврида давом этган тош устахоналари ва неолит даврининг шахталари бўлиб, бу манзилгоҳлар “Учтут шахталари” номи билан фан оламига кирди.

Учтут шахталарини ўрганиш “неолит инқилоби” билан боғлиқ инсоният тарихида, унинг кундалик ҳаётида илк бор таркиб топган қашфиётлардан бири бўлиб, айнан шу даврдан бошлаб аждодларимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бу шахталарни ўрганиш жараёнида аждодлар ҳаётида юз берган биринчи ижтимоий меҳнат таксимотининг илк куртаклари неолит давридан бошлаб ниш ура бошлаган.

Бу ўзбек халқи ўтмиш тарихида юз берган инқилобий ходиса бўлиб, унинг жаҳон тарихи ва цивилизациясига кўшган улкан ҳиссаларининг дебочаси эди.

Ўрта Осиёning чўл худудларида дарёлар ва кўлларнинг кенг тарқалган қуруқ каналлари атрофида ҳам тош даври аҳолиси кенг жойлашган. Қадимги даврларда бу ердаги иқлим ибтидоий популяциялар учун қулай бўлган[4]. Мезолит д аври охири ва неолит даври бошларида (милоддан аввалги 10-8 минг йил) аҳоли сонини қўпайиши натижасида манзилгоҳлар сони ортиб борган. Бу даврларда нафакат Бухоро воҳасининг тоғлик худудлари ўзлаштирилган, балки воҳанинг ғарбий қисми Зарафшоннинг қўйи ҳавзалари ҳам овчи қабилалар эътиборидан четда қолмаган. Қадимда Бухоро воҳасининг ғарбий қисми Зарафшоннинг тошқин сувларидан ҳосил бўлган кўл ва ботқоқликлардан иборат бўлиб, улар қалин бутазор, чакалакзор ва тўқайзорлар билан қопланган. Тош даври инсониятини Зарафшоннинг қўйи ҳавзаларидаги ҳайвонотга бой табиий чакалакзорлар ва балиққа сероб кўллар ўзига тортган. Аҳоли бу худудларни ўзлаштира бошлади. Бухоро воҳасининг ғарбий қисмларида ҳам тош даври айниқса, неолит даври қизғин кечган. Зарафшоннинг қадимги ўзани Моҳондарё Қоракўл тумани орқали Қизилқумга ўтиб Амударёга қуйилган. Натижада бу жойларда овчилар, балиқчиларнинг дастлабки манзилгоҳлари пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам Кўйи Зарафшон худуди ва унинг атрофидан ўрганилган тош даври маконлари, асосан, сув ҳавзалари бўйидан топилган[5]. Сув ҳавзаларининг жойларини ўзгартириб туриши оқибатида одамлар қўналғаларини ҳам ўзгартириб туришга мажбур бўлганлар. Неолит даврига оид бу қўналғалар Катта Тузконнинг шимолий ва шимоли-шарқий томонига жойлашган бўлиб, кўл бўйига қурилгани учун бир тизимда, бир қаторда ўрнашган[6].

Зарафшон тошқини туфайли ҳосил бўлган ва денгиздек кенг майдонга ёйилган, ҳозирда эса Моҳанқўл, Замонбобокўли, Қичик Тузкон, Катта Тузкон, Чукур кўл, Парсангқўл, Лахлиқўл ва Қоронғи шўр деб номланган ибтидоий «сув омборлари»ни қум тепалари босиб, улар кенг шўрхок, пастқам жойларга айланган[7], уларнинг кирғоқларида неолит даврининг турар-жой излари топилган[8].

Мезолит ва неолит даврларида глобал иқлим ўзгариши содир бўлиб, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурғоқчиликни келтириб чиқарган[9]. Натижада аҳоли сув ҳавзаларига қараб силжиган. Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида ҳаёт анча гавжумлашган. Маҳаллий аҳоли орасида Катта Тузкон, Қичик Тузкон, Қоранги шўр номлари билан аталувчи қўл соҳилларида инсоният томонидан кенг ўзлаштирилган[10]. Шунинг учун ҳам бу ерлардан неолит даврига оид бир қанча манзилгоҳлар топиб ўрганилган[11]. Афусски, уларнинг деярли барчасида маданий қатламлар сақланмаган.

Манзилгоҳларнинг марказий қисмида материаллар уюми қалашиб ётганлиги кузатилган. Археологик кузатувларга кўра, манзилгоҳларнинг барчаси мавсумий шаклда бўлиб, уларнинг жойини тез-тез алмашиб туриши кўл соҳили сувларининг





ўзгариб туришига боғлиқ эди. Шунинг учун балиқ ови билан шуғулланган уруғ жамоаларининг мавсумий манзилгоҳларида тегишли маданий қатламлар пайдо бўлиб улгурмай, турар-жойлари ўзгариб турган. Агар манзилгоҳни сув тошқини даврида бир неча бор лойқа сув босиб улгурган бўлса, яъни унинг устида қалин балчиқ ҳосил бўлган бўлса, у ҳолда маданий қатламнинг қалин лойқа остида сақланиб қолишига умид қиласа бўлади. Аммо уларни топиш ҳам осон кечмайди.

Калтамиор маданиятининг<sup>135</sup> куйи Зарафшон ёдгорликларини ўрганиш билан мунтазам шуғулланиб келган археолог Ў.Исломов Катта Тузкон ёдгорликлари мажмуасида, икки манзилгоҳда маданий қатлам сақланганлигини аниқлашга муяссар бўлган. Улар Дарвозақир I [12] ва Дарвозақир II [13] ёдгорликлари эди. Икки қир оралиғидаги тор йўлак, яни Катта Туз кон кўлидан шимолий фарбда чиқиш жойида қир мавжуд. Шу қирни кесиб ўтган тор йўлак орқали аҳоли кўл ёқасига чиққан. Айнан шу жой аҳоли томонидан “Дарвозақир” деб юритилган, шунинг учун ҳам манзилгоҳга Дарвозақир номи берилган[14].

Катта Тузкон топилмалари овчилар ва балиқчиларнинг неолит маданияти билан характерланган. Уларнинг қўшни худудлардаги Калтамиор мажмуаларига тўлиқ ўхшашлиги тош қуролларининг шакли ва нисбатларида намоён бўлади. Тузан ёдгорликларининг пастки хронологик чегараси радиокарбон усули билан милоддан аввалги 4-минг йилликнинг бошларига тўғри келган. Унинг юқори чегараси милоддан аввалги 3 минг йиллик охирларига тўғри келади. Неолит давридаги Зарафшоннинг куйи оқими аҳолисининг асосий иқтисодий фаолияти овчилик ва балиқ ови эди. Буни нафақат аҳоли манзиллари дарёлар ва кўллар бўйида жойлашганлиги, балки қазиш жараёнида топилган ҳайвонларнинг суюқ қолдиқлари ва тош қуролларининг турлари тасдиқлаган. Топилмалар орасида тошдан ишланган ёргучоқ, дон бўлаклари ва ўроқнинг мавжудлиги, эҳтимол маҳаллий шароитда дехқончиликнинг вужудга келиши ҳақидаги хulosани илгари суришга хизмат қилган[15]. Лекин, Тузкон атрофини тадқик қилган Я.Ғуломов, Ў.Исломов ва А.Аскаровларнинг фикрича, куйи Зарафшоннинг энеолит жамоалари, асосан, овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган, топилган ўроқ ва ёргучоқ каби қуроллардан доимий дехқончиликдан эмас балки, илдизларни, курук меваларни, ёввойи арпа, буғдой ва бошоқли экинликларни йифиш учун фойдаланилган[16]. Зоро, этнографик маълумотлардан билишимиз мумкинки, бундай қуроллардан термачилик билан шуғулланган, ҳали дехқончиликдан хабари йўқ қабилалар ҳам фойдаланган[17].

Дарвозақир маконидан топилган хилма-хил ашёвий материалларнинг таҳлили аҳолининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида овчилик, айниқса, балиқ ови билан шуғулланувчи аҳоли яшаганлигидан далолат беради. Манзилгоҳдан ҳар хил ҳайвонларнинг ва қушларнинг суюқ қолдиқларининг топилганлиги ов қилишнинг ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўрсатади. Чакмоқтошдан ясалган микролит пичоқ, кирғич, бигиз, ёғоч ўйиш пармалаш қуроллари, ўқ-ёй учлари, болға, тошболталар кундалик ҳаётда тошдан ясалган меҳнат қуроллари мухим аҳамият касб этганлигини исботлайди. Дарвозақирда қазилма ишларини олиб борган Ў. Исломов сопол синиклари сиртига ишланган бой ва сода нақшларга қараб, ушбу манзилгоҳ Зарафшон қуи ҳавзасида ўрганилган Калтамиор маданияти ёдгорликлари орасида энг қадимийси бўлса керак, деган хulosага келган[18].

Калтамиор маданиятига тегишли бу ёдгорликлар тош қуролларнинг ишлаш техникаси, типлари, сопол идишларининг шакли ва нақши бўйича уч босқичга бўлинган.

<sup>135</sup> Калтамиор маданиятига оид дастлабки ёдгорлик Хоразмнинг Калтамиор қальаси яқинидан топилгани учун шу ном берилган. Калтамиор маданияти аъзолари Зарафшон дарёсининг куйи оқимига тарқаганлигини Бухоро воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлардан билишимиз мумкин.





— Калтаминор маданиятининг илк босқичи. Милоддан аввалги 4-минг йилликка тўғри келиб, бу даврда Амударё ва Зарафшон дарёларининг айrim жойларида калтаминорлар маданияти шаклланган.

— Ушбу маданиятнинг ривожланган босқичи милоддан аввалги 3-мингийилликнинг биринчи ярмига тўғри келиб, бу даврда Амударё ва Зарафшон дарёсининг қуи оқимидаги барча ҳудудларига кенг тарқаган.

— Калтаминор маданиятининг сўнгги босқичи. Милоддан аввалги 3-минг йилликнинг сўнгти даврида ибтидоий овчилик негизида аста секинлик билан чорвачиликка ўтила бошлаган. Аҳоли Амударё ва Зарафшоннинг ирмоқлари бўйида яшаган. Бу эса кейинчалик ибтидоий дехқончилик хўжалигини шакллантира бошлади[19].

Хулоса қилиб айтганда, қуи Зарафшон воҳаси ахолиси томонидан ўзлаштирилиши, унинг кундалик машғулотлари ва хўжалик шакллари билан боғлиқ бўлган, чунки одамлар ўзлари яшави учун қулай табиий шароит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой ерларни ўзлаштиришга интилганлар. Мазкур воҳада бундай жараёнлар тош даврининг палеолит ва мезолит даврларида нисбатан секин ва тор ҳудудда кечган бўлсада, неолит даврида воҳани ўзлаштириш жараёнлари фаоллашган. Неолит даври овчилик, балиқчилик, термачилик ва қисман илк зироатчилик билан кун кечирган уруғ жамоалари қуи Зарафшон воҳасининг катта ҳудудига келиб жойлашган. Натижада неолит даври жамоаларининг маконлар сони воҳада кескин оргтан. Бу маконларнинг ўрганилиши мазкур воҳада тош даври антропоген ландшафтини ривожланиши ва жамоаларнинг воҳанинг турли географик ҳудудларида кенг ёйилишидан гувоҳлик беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Касымов М.Р. Кремнёвая мастерская у кишлака Уч тут в районе горы Карагату Бухарской области (По материалам археологической экспедиции). Научные работы и сообщения. Кн.6, Ташкент,1963.
2. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Тошкент: Фан, 1973. -Б.5.
3. Мирсоатов Т. Горные разработки эпохи камня. Ташкент,-1977. -С.33.
4. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. -М.,1962. -С.321.
5. Тошкенбоев Н. Бухоронинг энг қадимги даври тарихидан. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлиланган ҳалқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива. Тошкент, 1997. Б.9-10.
6. Исломов Ў.И. Қадим Бухоро воҳасида илк хўжалик фаолияти қўринишлари. Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишлиланган ҳалқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива. -Тошкент, 1997. –Б.12-14.
7. Асқаров А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. -Тошкент,1973.-Б.10.
8. Гулямов Я. Г. Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадари и Зарафшана. ИМКУ. Вып.6. –Ташкент, 1965.-С.17-22.
9. Гулямов Я.Г. Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. Тр. Истории и археологии АН Республики Узбекистан. Вып.8, Ташкент,1956; Он же, Исследование исторической гидрографии низовьев Кашкадары. ИМКУ. вып.6. Ташкент-1965; Мухамеджанов А.Р. К изучению древнего русла Махандари. ИМКУ. вып. 5, Ташкент,1964; Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент,1966.





10. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. - Ташкент:Фан,1973. -Б.11.
11. Гулямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент,1966. -С. 23-38.
12. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Ташкент:Фан,1973. -Б.11.
13. Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии// МИА. 1981. -№158.-С.180-181.
14. Гулямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. -Ташкент,1966.-С.87-88, 90.
15. Сагдуллаев А.С, Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И., Матёкубов Х.Х., Шайдуллаев А.Ш., Тоғаев Ж.Э., Маткаримов Х.О., Юсупов А.Ш. Марказий Осиёда тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари.-Ташкент: Университет,2020.-Б.21.
16. Гулямов Я.Г., Исломов У., Асқаров А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. –Ташкент,1966.-С.43.
17. Асқаров А.А. Бухоронинг ибтидоий давр тарихидан лавҳалар. Ташкент:Фан,1973. Б.15.

## АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ МАЊНАВИЙ МЕЪРОСИДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ

*Саматов Шомат Бердиевич,  
фалсафа фанлари доктори, профессор*

**Аннотация:** Мақолада XIII асрда яшаган машҳур шайх, файласуф, шоир, табиб Азизиддин Насафий томонидан илгари сурилган комил инсон гояси тўғрисида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** инсон, комил инсон, комиллик мезонлари, улуг инсон, кичик инсон, яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ, маърифат, баркамол авлод, баркамол жасамит.

**Аннотация:** В статье освещены идеи о совершенном человеке, выдвинутой знаменитом шейхом, философом, поэтом, врачом XIII в. Азизиддином Насафи.

**Ключевые слова:** человек, совершенный человек, критерии совершенства, великий человек, мелкий человек, доброе слово, добротное звание, добрый нрав, просвещение, совершенное поколение, совершенное общество.

**Abstract:** The article deals with the idea of a perfect man put for, ward by the famous shei in, philosopher, poyet and physician of the is 13 th century Aziziddin Nasafi.

**Key words:** person perfect man, perfection, criteria, great man, petty man, goodworod, good dead, good intension, enlightiment, porfect generation, perfocrt sociyety.

Шайх Азизиддин ибн Мухаммад Насафий XIII (таксинан 1240-1300 йй) асрда яшаб ўтган Марказий Осиёлик машҳур файласуф олим, шоир ва табибdir. У Насаф (хозирги Қарши) шаҳрида туғилган, Бухорода таълим олган. Диний илмларни, юонон ҳикмати ва тасаввуфни чуқур ўрганган. Нажмиддин Кубронинг севикли шогирди шайх Саъдиддин Мухаммад ибн ал-Муайяд Ҳамавий қўл остида тариқат сулукини адо этган. Эроннинг Баҳриобод, Шероз, Исфаҳон, Ҳамадон, Тус шаҳарларида истиқомат қиласи ва Абркўҳ шаҳрида вафот этади.

Азизиддин Насафий улкан назариётчи олим сифатида ном қозонган ва ўзидан кейин дунё аҳамиятига молик бой мањнавий мерос қолдирган. Унинг асарлари ҳали ўрта асрлардаёқ Европада маълум бўлган, жаҳон мањнавияти хазинасидан муносиб жой олган.

У тасаввуф, калом ва ҳикмат билан шуғулланиб, бу борада аниқ қарашларга эга бўлади. Таниқли олим ва моҳир таржимон Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, у

